



Орифлар султони



Абу Фазлуллох ибн Абулхайр Мухаммад ибн Ахмад Мехнавий 967 йили Хуросондаги Ховарон вилоятининг Шаркда машхур Мехна кишлогида тугилади. Унинг сўфийлик йўлига киришига отаси сабаб бўлган. Асли касби атторлик эканига карамай, Абулхайр тасаввуф ахлини дўст тутар ва уйда сўфиёна мажлислар уюштирар эди. Бундай мажлислар уларнинг доимий иштирокчиси бўлган Абусаидни Хак ошигига айлантиради. Зехни ўткир ва тиришкок Абусаид 11 ёшидаёқ хушовоз хофизни Куръон, зукко шеър мухлиси сифатида тилга тушади. У 30 минг байт арабча шеърни ёд билар, ўқиган китобларини шархлаб ва тушунтириб беришда тенги йўк эди. Кейин Марвга бориб, Абу

Абдулло Хазрий хузурида араб тили ва ислом асосларидан тахсил олади. Унинг вафотидан сўнг Абу Бакр Каффол ёнида беш йил давомида фикхни ўрганади. Шу даврда шеър ёзишни ҳам бошлайди. 22 ёшида Марвда Абу Али Шабуъий кўлида «Сахиhi Бухорий»ни ёд олади. 30 ёшида Сарахсга бориб, замонасининг буюк алломаси Абу Али Зоҳирдан шариат асослари, тафсир бўйича таълим олади. Илмини камолга етказгач, у ўз хонакоҳини очиб, муридлар тарбиясига машгул бўлади. Боязид Бистомий, Мансур Халлож каби машхур тарикат пирларини ўзига устоз санаб, уларнинг анъаналарини давом эттирган Абусаид Абулхайрнинг ўзи ҳам юзлаб шогирдлар етиштиради. Улар орасида Абу Али Фарюмадий, «Хужжат ул-ислом» Мухаммад Газзолий, Озарбайжонда 400 хонакоҳ курдиргаи Абу Наср Ширвоний сингари ислом ва тасаввуф оламида машхур арбоблар бор. «Алломанинг бутун умри Бишр Ёсин, Хасан Сарахсий, Бобойи Ховароний, Абдурахмон Сулабий, Абулхасан Машшоний, Абу Али Сиёх, Абу Али Даккок, Абулкосим Гургоний, Айнулкуззот Хамадоний, Абулаббос Шакконий, Абумуслими Форсий, Абу Жаъфар Банжирзухий, Абу Исхок Козуруний сингари юзлаб алломалар даврасида ўтди. Абулхайр замонасидаги диний ва дунёвий билимлар пешволари Абулхасан Харагоний ҳамда Абу Али ибн Синолар билан бир неча бор учрашиб, суҳбатлашган, дунёвий, рухий-илохий билимлар бўйича бахslashган, Ибн Сино билан доимий мукотабада бўлган»(Хомидий Х- Тасаввуф алломалари. Тошкент, 2004 йил, 86 —87-бетлар.). Накл килишларича, бири — зоҳирий (дунёвий), иккинчиси — ботиний (илохий) илмларда тенгсиз бўлган бу икки улуг зот бир-бирининг овозасини эшитиб, Ни-шопур шаҳрида учрашадилар. Олим ва Шайх суҳбати уч кеча-кундуз давом этади. Шундан кейин шогирдлари Ибн Синодан: «Шайх хакидаги фикрингиз қандай?» — деб сўраганларида: «Хар неники, мен билсам, у хис килади», — деб жавоб беради. «Аллома хакидаги фик-рингиз қандай?» — деб муридлари Абусаидга мурожаат қилганларида эса: «Хар неники, мен хис қилсам, у билади», — дейди. Абусаид Нишопур ва Омул шаҳарларида ҳам бир муддат яшаб, халкни Хак йўлига хидоят қилган, оташин ваъзлар ўқиб, минглаб мухлислар орттирган. Султон ул-орифин — Орифлар султони деган шарафли унвонга сазовор бўлган, Абусаид Абулхайр, Шайх Абусаид Мехнавий (кўпгина адабиётларда Майханий) номлари билан мусулмон оламида шуҳрат қозонган бу улуг инсон 1049 йили она кишлоги Мехнада вафот этган. Унинг қабри устига салжук султонлари томонидан тикланган макбара хозир ҳам мавжуд — маҳаллий аҳоли уни «Мона бобо мозори» деб аташади. Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг хикоя килишларича, Шайх Абусаид Абулхайрдан: «Жанозангиз олдида қайси оятни ўқисинлар?» — деб сўраганларида, ул зот шундай жавоб қилибдилар: «Оят ўқимок улуг ишдир. Бу байтни ўқисинлар:

Чист аз ин хўбтар дар хама офок кор —
Дўст расад назди дўст, ёр ба наздики ёр.

Мазмуни: «Дунёда дўстнинг дўст, ёрнинг ёр наздига етишишидан ҳам ортик яхши иш борми?»

«Кутби олам Абусаид Абулхайр қаддасаллоху сирруху барча ақобир ва машойихлар қалбининг подшоҳи эди. Бу дунёда ҳеч қимдан бу қадар кўп қаромату риёзат накл бўлган эмас. У — фонийи мутлак, у — бокийи барҳак, у — илохий маҳбуб, у — ниҳоятсиз маъшук, у — мамлакат нозанини(Бу иборани, бизнингча, «Худонинг суюқлиси», «Оллохнинг эркаси» тарзида талқин қилиш лозим. (Э.О.)), у — маърифат бўстони, у —

фалакни сайр этувчи арш»(Бу иборанинг мазмуни: «Илохий оламни сайр этувчи улуг зот», демакдир. (Э.О.)), — деб васф этган эди уни Фаридиддин Аттор «Тазкират ул-авлиё» асарида. Алишер Навоий «Насойим ул-мухаббат»да бу таърифни давом эттириб, уни «шариат султони», «тарикат султони», «замона султони», «тарикат ахлининг хусни», «кулуб мушрифиди», яъни «калбларни ўзига қаратган зот» каби сифатлар билан улуглайди. Унинг замонида барча машоих Абусаидга тобе эдилар, дейди.

Накл килишларича, Абусаид Абулхайр нафакат до-нишманд, балки яхшигина табъи назми бор, ўзи дилкаш ва сухбати хузурбахш киши бўлган. Эронда унинг 720 рубойиси ва пароканда шеърларини ўз ичига олган «Суханони манзуми Абусаид Абулхайр» тўплами ҳамда шайхнинг сўзлари ва холатлари баёни, у ҳақдаги хикоятлар асосида тартиб берилган «Асрор ул-тавҳид» номли икки жилдли манокит нашр этилган. Хусусан: Хавро ба назораи нигорам саф зад, Ризвон ба ажаб бимонду каф бар каф зад, Он холи сиях бар он рух мутраф зад, Абдол за бим чанг дар Мусхаф зад(Маъноси: «Хурлар нигоримни кўриш учун саф тортдилар. Жаннат ҳам хайратланиб, карсак чалиб юборди. У кора холли махбуба юзларига парда тортганида абдол (Худонинг хос бандалари, яқинлари) кўркувдан Куръонга чанг солди»), — рубойиси шоирга фавқуллода шухрат келтирган.

Бу рубойини соҳибкирон Амир Темур ҳам ёд билган. Гап шундаки, Темурнинг ўгли Мироншоҳ ичкиликка берилиб, кўпгина номатлуб ишларни содир этади. Амирнинг фармонида кўра шахзоданинг бундай ёмон йўлга киришига сабабчи бўлганлардан Мавлоно Муҳаммад Кохий билан Устод Кутб Нойининг боши танидан жудо қилинади. Аммо улардан бири — Хожа Абдулқодир кочиқ кетади ва бегона юртларда ўзини девоналикка солиб юради. Темур Ирокка юриш қилганида қочқини тутиб келадилар. Шунда Куръонни ёд билган ва яхшигина қироати бўлган Хожа Абдулқодир бир Куръон ўқимок қиладики, Соҳибкироннинг қаҳри меҳрга айланиб, кўнгли юмшайди, атрофидагиларга қараб қуйидаги машҳур мисрани ўқийди:

Абдол зи бим чанг бар Мусхаф зад.

Мазмуни: «Дарвеш кўркувдан Куръонга чанг солди».

Мазкур воқеани хикоя қилар экан, Алишер Навоий Темурнинг бу мисрани жуда «бавақт», яъни айни мавридида ўқигани, «бундок латиф сўз нафакат йиллар, балки асрларда ҳам воқеъ бўлмаслигини(Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами.13-жилд (Мажолис ун-нафоис). Тошкент, 1997 йил, 163—164-бетлар.) таъкидлайдики, Шамс ул-миллатнинг айни сўзини яхши англамаганимиз туфайли яқин-яқингача ҳам ушбу сатрни жаҳонгирга нисбат бериб келардик. Холбуки, у Абусаид Абулхайр қаламига мансуб бир рубойининг сўнгги мисраси бўлиб, Темур даврида ҳам машҳур эди. Мазкур рубой шарҳига бағишлаб Сайид Неъматуллоҳ Валий уч рисола ёзган. Амир Сайид Қосим Анвор, Шайх Озарий ва Хожа Аҳрор Валий ҳам унга махсус рисола бағишлаганлар.

Абусаид Абулхайрга «қабул назари» Шайх Абулқосим Бишр Ёсиндан тушган: у Абусаиднинг келажagini башорат қилиб, «олам анинг била тирилгусидур»(Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 17-жилд. (Насойим ул-мухаббат). Тошкент, 2001 йил, 207-бет.), деган эди. Сўнг Сарахсда Шайх Абулфазл Ҳасан Сарахсийга мурид бўлиб, ундан тарикат одобини ўрганади. Устозининг даъватига кўра Нишопурга бориб, ўз даврининг машҳур олими Абдурахмон Сулабий кўлида диний илмларини қамолга

етказиб, иршод даражасини олади. У шайхлик хиркасини Шайх Абулаббос Кассоб Омулий кўлида кияди.

Тасаввуфга оид манбаларда Абусаид Абулхайр тарикатга шеъриятни омихта этган шайх сифатида тилга олинади. Сўфиёна гоаяларни акс эттирган илк китъа ва рубоийлар хам унинг каламига мансуб. Улар муридлар томонидан ўртага кўйилган масалаларга жавоб тарикасида дунёга келган хамда «Асрор ут-тавхид» китобида жамланган. Шундан келиб чикиб, айтиш мумкинки, тарикат шайхларининг шеъриятга мурожаат килиши Абусаид Абулхайрдан бошланган.

Абусаид Абулхайр самоъ (арабча: эшитиш) мажлисларини кизитиш учун дастлаб ишк-мухаббат мавзуидаги халк тўртликларидан фойдаланган бўлса, кейинчалик ўзи хам рубоийлар ижод килиб, уларда тасаввуф акидаларини баён килган. Абусаидга эргашган тарикат пирлари бу анъанани ривожлантириб, янада мустахкамлаганлар. Маълум бўладики, Абусаид Абулхайр шайхлик ва шоирликни — тарикат ва шеъриятни ўзаро омихта этган илк тасаввуф нирларидан бўлиб, ўзидан кейинги тасаввуф адабиётига катта таъсир ўтказган.

Илохий ишк васфи, эзгулик ва эзгу амаллар, яхши ахлоқ таргиби, вафо ва садокат, хижрон туйгулари, замонадан ва нафсдан шикоят ва бошка мавзулар Абусаид Абулхайр рубоийларининг асосини ташкил килади. Бу намуналар, аввало, жозиб оханги, шавкангез рухи ва дакик маъноси билан кишини ўзига тортади. Улар халк огзаки ижодига якин, равон ва енгил услубда ёзилган. Чунончи, халк йўлида битилган куйидаги рубоий хам мазмунининг оддий ва теранлиги, ифода тарзининг содда ва гўзаллиги, охангининг жозиб ва ўйнокилиги билан кўнгилда завк уйготади. «Гўзалларга нега дил бердинг?» — деган саволга лирик кахрамон: «Менку кўнглимни берган эмасман-а, лекин сулувларнинг ўзлари уни олиб кўйдиларда», — деб жуда нозик ва тагдор, чукур мазмунли сўз ўйини килади:

Хушам на мувофикону хешон бурданд,
Ин кажкулахони мўпарешон бурданд.
Гўянд, чаро ту дил бад-эшон доди?
Валлох, ки ман надодам, эшон бурданд.

Таржимаси:

Кўнглимни у ўтли сўзлари олдилар-ей,
Хам зулфлари, оху кўзлари олдилар-ей.
Дерлар менга: — Дил бердинг уларга не учун?
Мен берган эмасман, ўзлари олдилар-ей!(Рубоийлар муаллиф таржимасида берилмокда.)

Абусаид Абулхайр рубоийларининг асосан худди шундай савол-жавоб, ўзаро сухбат йўсинида яратилганлиги хам уларнинг халк ичида шухрат козонишига сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

Ёки:

Ди зулфи абирбези анбарсоят,
Аз тарфи баногўши суман симоят.

Дар пои ту афтоду ба зори меғуфт:
«Сар то поям фидои сар то поят!»
Таржимаси:

Хушбўй хидига мушк ила анбарни гадо
Килгувчи у сочинг кеча, эй нозик адо,
Тушди оёгинг остига-ю, килди нидо:
«Бошдан-оёгим бошдан-оёгингга фидо!»

Рубоийни ўқир экансиз, кўз ўнгингизда сочи такимини ўпган гўзал бир киз намоён бўлиши шубҳасиз.
Мана бу рубоийда эса шоир ўзининг бадиий махоратини намоён этган: хам мохирона ўхшатиш, хам кучли каршилантириш — тазод оркали маъшука таърифини берган:

Бикшуд нигори ман никоб аз тарафе,
Бардошт сапедадам хижоб аз тарафе,
Гар нест киёмат зи чи рў гашт падид
Мох аз тарафеву офтоб аз тарафе.

Таржимаси:

Очди ўша дилбарим никоб бир ёқдан,
Хам тонг кўтарди-ку хижоб бир ёқдан,
Кўпган эмаса киёмат юз очди нега,
Бир ёқдан ул ойу офтоб бир ёқдан?!

Рубоийда бир неча бадиий санъатлар ишлатилган: ўхшатиш, муболага, тазод, тажохули орифона. Умуман, Абусаид рубоийлари бадиий санъатларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу шайхнинг шоирлик истеъдоди хам баланд бўлганлигини кўрсатади. Чунки бошка шайх-шоирлар ижодида биз бу нарсани кўрмаймиз.
Хаёт кадрига етиш, умрни мазмунли ўтказиш гоёси барча улуг инсонлар ижодида асосий ўрин эгаллайди.

Ин умр ба абри навбахорон монад,
Ин дида ба сели кўхсорон монад.
Эй дўст, чунон бизи, ки баъд аз мурдан,
Ангушт газидани ба ёрон монад.

Таржимаси:

Бул умр баҳор абри — дўлига колсин,
Бул дийдами — тоғларни селига колсин.
Шундай яшаким, кўз юмсанг, хайрат кўлини,
Тишламак иши башар элига колсин! —

деб ёзади бу ҳақда Абусаид Абулхайр. Хақиқатда хам, умрни эзгуликлар, савоб ишлар,

кашфиётлар ва бокий асарлар катига жо этиш лозим, токи авлодлар аждодларининг серкирра ва сермахсул хаёт йўлини кўриб, хайратдан бармогини тишласин. Лекин факат тасаннолар ўқиш, койил колиш билан кифояланмай, ундан ибрат олсин, ўз хаёти ва фаолиятини улуг салафларига мувофиклаштиришга интилсин.

Эргаш Очиловнинг
"Бархаёт сиймолар" китобидан